

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЪЛИМ
СОХАСИДАГИ АХАМИЯТИ

Отажонова Гўзалхон Бахтиёровна

Чуст туман ХТБга қрашли 21-мактаб ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада талим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва замонавий методлар турлари ва уларни қўлланилиши. Янги методлар ўқувчиларни таълим тарбиясида, фикрлашида ва дунёқрашларидаги ривожланишида тутган ўрни мисоллар билан ёритилган.

Калит сўзлар: метод, таълим, зоя, ўқувчи, мактаб, машгулот, фан, мавзу, вазифа, илм-маърифат.

Аннотация: В данной статье виды реформ и современные методы и их использование в сфере образования. А на примерах показана роль новых методов в развитии образования, мышления и мировоззрения учащихся.

Ключевые слова: метод, образование, идея, ученик, школа, обучение, наука, предмет, задача, знание.

Annotation: In this article, the types of reforms and modern methods and their use in the field of education. And the role of new methods in the development of students' education, thinking and worldviews is shown by examples.

Key words: method, education, idea, student, school, training, science, subject, task, knowledge.

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Туркистонлик жадидлардан бири Ҳожи Муъин Шукрулло “Миллатнинг тараққийси анинг аввали мунтазам мактабларидан бошланур. Агарда биз динимизни, миллатимизни яхши кўриб, муҳофаза қилмоқчи бўлсак, аввал саодат эшиги бўлган мактабимизни замонга мувофиқ ислох қилиш керак” - деб ёзган эди. [1; 155]

Ва шу сабабли мамлакатимизда ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари қаторида ўрта таълим соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган Президентнинг 17 та Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 44 та қарори қабул қилинди. Хусусан, Давлат раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини



2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда, узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини яратиш, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатини яхшилаш, халқ таълими соҳасига замонавий АКТ ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизминини яратиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш кабилар ривожланишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди. [2]

Таълимнинг мақсади жамият эҳтиёжига мос равишда шаклланади. Шундай экан, таълим-тарбия мақсади мос ва мутаносиб бўлиши керак. Тарбиявий мақсад асосида эса маънавий, ғоявий, нафосат тарбияси берилади. Тил ўрганиш жараёнида халқнинг маданий-ахлоқий қадриятларига яқинлаштириш имкони пайдо бўлади. Маълумки, таълимда илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларини татбиқ этиш ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширибгина қолмай, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш орқали мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялардан фойдаланиш эса уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топиш, мустақил ўрганиш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳатто яқуний хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Бугунги кунда таълимда «**Ақлий ҳужум**», «**Фикрлар ҳужуми**», «**Тармоқлар**» методи, «**Синквейн**», «**БББ**», «**Бешинчиси ортикча**», «**бхбхб**», «**Баҳс-мунозара**», «**Ролли ўйин**», **ФСМУ**, «**Кичик гуруҳларда ишлаш**», «**Юмалоқланган қор**», «**Зигзаг**», «**Охирги сўзни мен айтай**» каби замонавий технологиялар қўлланмоқда. [3; 27]

Дарс машғулотларида ўйин-топшириқларни такрорлаш ёки мустаҳкамлаш дарсларида фойдаланилса ижобий натижа беради. Ўйин-топшириқнинг қайси бир турини танлаш дарснинг турига, синф ўқувчиларининг ўйин-топшириқларни бажаришга ўргатилганлик даражаси, уларнинг билим савияси, мустақил ижодий ишлаш имкониятлари, ўрганилганларни хотирада тез тиклай олиши, ижодкорликнинг қай даражада шаклланишига ҳам боғлиқ бўлиши керак.

«**Ақлий ҳужум**»

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида ҳар



томонлама фикр юритиш шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда маликаларни хосил қилишга рағбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машғулот жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. “Аклий хужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум кадрятларни аниқлаш, айна вақтда уларга муқобил бойиган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Машғулот жараёнида “Аклий хужум” методидан фойдаланишга бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади.

1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга уқиш, улар томонидан қутилмаган мантиқий фикрларининг билдирилишига эришиш .

2 Ҳар бир таълим олувчи томонидан билдирилаётган фикри ғоялар микдори рағбатлантирилиб берилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларининг танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларининг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикр еки ўояларнинг туўилишига олиб келади.

3. Ҳар бир таълим олувчи ўзининг шахсий фикри ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни узгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя)ларни умумлаштири туркумлантириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикр (ғоя)ларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди

4. Машғулотлар жараенида таълим олувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш улар томонидан билдирилаётган фикрларин баҳолашга йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя)лари баҳоланиб бориладиган бўлса, таълим олувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Мазкур метод қўллашдан асосий мақсад таълим олувчиларини муаммо хусусида кенг ва чуқур юритишга рағбатлантириш жанлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда улар фаолиятларини баҳолаб боришни ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулот жараенида ушбу методдаи самарали фойдаланиш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим:

Машғулот иштирокчиларининг ўзларини эркин хис этишларига шароит яратиб бериш

Ғоятарни езиб бериш учун езув тактаси ёки варақлар тайерлаб қўш

«Муаммо (еки мавзунини аниқлаш)

«Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси ...) ортиқча» методи

Ўқувчилар мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу метод алоҳида аҳамиятга эга. Уни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- Ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш;



- ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта (бешта, олтига, ...) ва тааллуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш;

- ўқувчиларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;

- ўқувчиларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш (мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асослашларини талаб этиш лозим).

Мазкур метод ўқувчилардан ўрганилаётган мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан таҳлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг муҳим таянч тушунчаларни ифодалай олишни талаб этади.

Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

- ўқитувчи ўзаро тенг нисбатда мавзуга (бўлим, боб) оид ва оид бўлмаган асосий тушунчалар тизимини яратади;

- ўқувчилар мавзуга (бўлим, боб) оид ва оид бўлмаган асосий тушунчаларни аниқлайдилар ва дахлдор бўлмаган асосий тушунчаларни тизимдан чиқарадилар;

- ўқувчилар ўз ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методдан индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклда ўқувчилар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг билимларини аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

«Видеотопишмоқ» методи

Ҳозирги кунда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди.

Видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- ўқувчилар эътиборига ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш этилади;

- ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганини изоҳлашади;

- жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этишади;

- ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришади.

Мазкур метод асосида мавзуга доир компьютер орқали видеолавҳа намойиш этилади. Ўқувчилар видеолавҳа мавзуси, унда ифодаланган мавзу ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жумладан, халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган Президентнинг 17 та Фармон ва



қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 44 та қарори қабул қилинди. Хусусан, Давлат раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланиши ўз мевасини бера бормоқда. Бугунги кунда таълимда «Ақлий ҳужум», «Фикрлар ҳужуми», «Тармоқлар» методи, «Синквейн», «БББ», «Бешинчиси ортиқча», «бхбхб», «Баҳс-мунозара», «Ролли ўйин», ФСМУ, «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Юмалоқланган қор», «Зигзаг», «Охирги сўзни мен айтай» каби замонавий технологиялар қўлланилиши ўқувчиларда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишлари, жамоа бўлиб ишлашни ўрганишлари ва дунёқарашлари кенгайишида асосий омил бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари” - “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси Тошкент 2016
2. <https://www.lex.uz/docs/3090103>.
3. О. Авлаев, С. Жураева, С.Мирзаева “Таълим методлари” - Тошкент-2017 «Навруз» нашриёти
4. К.Касимова “Она тили ўқитиш методикаси” - Тошкент 2009

